



221200 Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Янгибозор тумани Навбахор кўчаси 2-уй.

2020 йил « 4 » _____ ксб
№ 877

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида жойлашган фуқаро Артиқова Насибага тегишли “Мактабгача таълим муассасаси” (МТМ) биносига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони юзасидан, фуқаро Артиқова Насибанинг туман ҳокими номига, Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида жойлашган “Мактабгача таълим муассасаси” (МТМ) биносига қўшимча 700,0 кв.м ер майдони ажратиб беришнинг сўраб ёзган ёзишмасини, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида жойлашган фуқаро Артиқова Насибага тегишли “Мактабгача таълим муассасаси” (МТМ) биносига қўшимча ер майдони ажратиб беришнинг сўраб ёзган ёзишмаси қаноатлантирилсин.
2. Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида жойлашган фуқаро Артиқова Насибага тегишли “Мактабгача таълим муассасаси” (МТМ) биносига, қишлоқ хўжалиғи, ўрмон хўжалиғи ерлари тоифасига кирмайдиган ердан қўшимча 0,07 га. (700,0 кв.м) ер майдони ажратилсин.
3. Буюртмачи фуқаро Артиқова Насибага қуйидагиларни:
 - архитектура-режалаштириш топширигини ишлатиш учун мурожаат этиш;
 - тегишли тартибда қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлатиш ва тасдиқлаштириш;
 - ер участкасига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга бегоналаштирмаслик, ер участкасида қурилиб фойдаланишга қабул қилинган объект фаолият турини ўзгартирмаслик;
 - “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонини 3 (уч) йил муддат ичида ўзлаштирилмасга ушбу қарор бекор қилиниши қайд қилинсин.
4. Туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қарорга асосан белгиланган тартибда қўшимча ажратиладиган 0,07 га. (700,0 кв.м) ер майдонини бош лойиҳа асосида жойида (натурада) белгилаб бериш ҳамда қурилишнинг шаҳарсозлик норма қоидалари асосида назорат қилиш топширилсин.
5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (в/б Р.Рахимов)га ушбу ажратилган ер майдонини ҳисобга олиш ва ер кадастр китобига тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман майдонини ҳисобга олиш ва ер кадастр китобига тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман солиқ инспекцияси (А.Ўразбаев)га белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифалари топширилсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Б.Тўлиев зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



Ў.Курбанов